

Tadqiqotlar davomida gullarning mustahkamligi ham o'rganildi. Gullarning mustahkamligi muhim seleksion ko'rsatkich hisoblanib, mustahkam gullar qo'ylarning nasliy qimmatligini belgilaydi. Shu bilan bir qatorda ushbu ko'rsatkichning yuqori darajasi qorako'l terilarining xizmat davrini uzaytirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Ta'kidlash lozimki, ushbu ko'rsatkichning yuqori darajasi qo'ylarning rangi va gul tipi, jun qoplarning quyuqligi, turli xil jun tolalarining nisbati, uzunligi, yo'g'on yoki ingichkaligi, gullarning strukturasi, tashkiliy jihatdan ushbu ko'rsatkich bo'yicha tanlash, juftlash ishlarini olib borish va boshqa faktorlarga bog'liq.

Shu nuqtai nazaridan tadqiqotlar davomida sur qo'ylarini rangbarangliklar bo'yicha juftlash sharoitida olingan avlodlarda ko'rsatkichning namoyon bo'lish darajalari o'rganildi. Ma'lumotlar 2-jadvalda keltirilgan.

Jadval ma'lumotlari gullarning mustahkamligi seleksiya jarayonida ishtirok etayotgan qo'ylarning rangbarangligiga sezilarli darajada bog'liqligini ko'rsatadi. Bunda mustahkam gulli avlodlar salmog'ining eng yuqori ko'rsatkichi "olmos x olmos" juftlash variantida kuzatilib, ular ushbu ko'rsatkich bo'yicha ikkinchi variantdan 10,9 (1,2 baravar), uchinchi variantdan 6,9% (1,1 baravar), to'rtinchi variantdan 8,6% (1,12 baravar), beshinchi variantdan 12,8% (1,2 baravar), oltinchi variantdan 13,6% (1,2 baravar) ustunlik qilgani aniqlandi.

2-jadval

Avlodlarda gullarning mustahkamligi, % ($\bar{X} \pm S_x$)

Juftlash varianti		n	Gullar mustahkamligi		
			Mustahkam	Yetarsiz	Bo'sh
♂	♀				
Olmos	Olmos	68	72,1±5,44	16,1±4,46	11,8±3,91
	Kumushsimon	49	61,2±6,96	25,5±6,23	14,3±5,00
	Tillasimon	38	65,8±7,70	21,0±6,61	13,2±5,49
Kumushsimon	Olmos	52	63,5±6,68	25,0±6,00	11,5±4,42
	Kumushsimon	86	59,3±5,30	26,7±4,77	14,0±3,74
	Tillasimon	41	58,5±7,70	26,9±6,93	14,6±5,51

Xulosa. Ta'kidlash lozimki, gul rasmlarining namoyon bo'lishida gul shakllari hamda uzunligini inobatga olgan holda seleksiya ishlarini yuritish maqsadga muvofiq bo'ladi. Shuningdek, yetarsiz va bo'sh mustahkamlik ko'rsatkichlari bo'yicha ham "olmos x olmos" variantining ustunligi ko'zga tashlanadi. Bunda ularning avlodlarida boshqa variantlarga nisbatan gul mustahkamligidagi avlodlar salmog'i 4,9-10,8 foizga, bo'sh mustahkamlikdagi avlodlar salmog'i esa 1,4-2,2 foizga kam uchrashi aniqlandiki, bu seleksiya jarayonida inobatga olinishi lozim bo'lgan muhim holat hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Rizayeva D. Qizilqum sharoitida urchitiluvchi qora rangli qorako'l qo'ylarida ba'zi seleksion belgilarning o'zaro bog'liqligi. Chorvachilik va naslchilik ishi jurnali, № 2-3 2018 y. 31-33 b.

2. Mamatov B.S., Gazyev A. Qo'ylar gul ko'rsatkichlari bilan avlodlar seleksion belgilarining korrelyatsion bog'liqligi. "Cho'l-yaylov chorvachiligining rivojlanish istiqbollari mavzusidagi QCHEITining 90 yilligiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy- amaliy konferensiya materiallari (2020 yil 10-11 dekabr)- Samarqand, 2020. 60-63 bet.

3. Yusupov S.Yu. va boshqalar. Qorako'lchilikda naslchilik ishlarini yuritish va qo'zilarni baholash (bonitirovka qilish) bo'yicha qo'llanma. 2021 y. 15 b.

4. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. 1969. 256 стр

МУБОРАК ЗАВОД ТИПИДАГИ ҚОРА РАНГЛИ ҚОРАҚЎЛ ҚҲЙЛАРИ ИРСИЯТИНИ ГУЛЛАРНИНГ УЗУНЛИГИ БҲЙИЧА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Л.Э.Шаптакова-таянч доктарант

А.Газиев-қ.х.ф.д, катта илмий ходим

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада “Муборак завод типид”даги қора рангли қорақўл қўйлари авлодларининг гул узунлигини қовурғасимон типли қўйлар авлодлари кўрсаткичлари билан қиёсий ўрганиш натижалари ёритилган.

Калим сўзи: Қорақўл қўйлари, қўзилари, завод типид, синф, гул типид, гул узунлиги.

Abstract. The article describes the results of a comparative study of the flower length of the offspring of black Karakol sheep of the “Mubarak plant” type with the parameters of the offspring of ribbed type sheep.

Key words: Karakol sheep, lambs, plant type, class, flower type, flower length.

Кириш. Қорақўлчилик чорвачиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан характерланувчи муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзига хослиги шундан иборатки, унинг ривожланиш ҳудуди оғир экстремал шароити билан таърифланувчи чўл регионлари ҳисобланиб, ушбу шароитда қорақўл терилари, гўшт, жун, пўстинбоп қўй терилари ишлаб чиқаради.

Қорақўл қўйларининг гул типид, синфид, жун тола узунлигига қараб қўйларнинг наслий қимматлиги белгиланади. Қорақўл қўй зоти таркибида “Муборак” завод типига мансуб қўйлар қимматли гуруҳлар қаторига киради.

Қорақўл қўйларини урчитиш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор олимлар самарали тадқиқотлар олиб борган. Айтиш лозимки, қорақўл қўйларини “Муборак” завод типининг ирсий хусусиятлари И.Н.Дячков, Т.Б.Чехиринадзе, С.Э.Шаптакон (1981), Т.Б.Чехиринадзе, В.И.Барковский (1982), А.Газиев, Г.Вахидов, Р.Матякубов (1996) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган бўлиб, уларда муҳим селекцион белгиларнинг наслга берилиш, намоён бўлиш, ирсийланиш ўзаро боғлиқлик даражалари аниқланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу гуруҳга мансуб қўйлар зотнинг сифатий такомиллашувида муҳим ўрин эгаллайди. Қора рангли қўйларнинг ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилашда “Муборак” завод типидан умуман дунё, хусусан Ўзбекистон миқёсида кенг фойдаланилган.

Шу билан бир қаторда айтиш ўринлики, ушбу завод типини ҳар томонлама ўрганиш охириги йилларда деярли тўхтаб қолган. Шу нуқтаи назардан унинг ҳозирги даврдаги ҳолатини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. “Муборак” завод типининг муҳим селекцион белгиларидан ҳисобланган гул узунлигини авлодларга ўтказиш даражасини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар Қашқадарё вилояти “Муборак” наслчилик МЧЖда урчитилувчи қора рангли қорақўл қўйларида олиб борилди. Уларни баҳолаш “Қорақўлчиликда наслчилик ишини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма” асосида амалга оширилди. (С.Ю.Юсупов ва бошқалар, 2015)

Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилди. (Н.А.Плохинский, 1969)

Тадқиқот натижалари. Қорақўл қўйларининг наслий қимматлилигини белгилашда тери сатҳида шаклланган гулларнинг узунлиги энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Гулларнинг узун бўлиши ижобий хусусият бўлиб, қўйларнинг ва қорақўл тери маҳсулотининг қимматлилигини оширади. Ушбу кўрсаткичнинг намоён бўлиш даражаси кўпгина олимларга хусусан, яйлов, иқлим ва озуқа шароити, қўйларнинг синфид, гул типид, узунлиги ҳамда бошқаларга боғлиқ.

Тадқиқотларда “Муборак” завод типига мансуб элита ва 1-синфли ярим доира қаламгул типига қўйлар авлодларининг гул узунлиги қовурғасимон типли қўйлар авлодлари кўрсаткичлари билан қиёслаб ўрганилди. Маълумотлар 1 ва 2-жадвалда умумлаштирилди.

1-жадвал

Завод типли авлодларининг гул узунлиги

Қўйларнинг гул узунлиги	n	Авлодларнинг гул узунлиги, % (x+Sx)		
		Узун	Ўрта	Калта
Жакет элита	122	76,2±3,85 ^{x)}	14,8±3,21	9,0±2,59
Жакет I	295	54,9±2,89	21±2,37 ^{x)}	24,1±2,49 ^{x)}
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	417	61,1±2,38 ^x	19,2±1,92 ^x	19,7±1,94 ^x

X)-P<0,001 x-P<0,05

2-жадвал

Қовурғасимон типли қўйлар авлодларининг гул узунлиги

Қўйларнинг гул узунлиги	n	Авлодларнинг гул узунлиги, % (x+Sx)		
		Узун	Ўрта	Калта
Қовурғасимон элита	53	81,1±5,37	15,1±4,91	3,8±2,62
Қовурғасимон I	148	41,9±4,05	43,2±4,07	14,9±2,92
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	201	52,2±3,52	35,8±3,38	12,2±2,29

Жадвалларда келтирилган маълумотлардан ҳар иккала гуруҳлардаги қўйларнинг гулларининг узунлиги бўйича етарли даражадаги юқори ирсий салоҳиятини кўриш мумкин. Ушбу ҳолатда “Муборак” завод типига қўйлар авлодларида узун гуллилиқ ўртача мувозанатлашган ҳолда 61,1±2,38% даражасида намоён бўлиб, элита синфли қўйлар авлодларида 76,2±3,85 фоизни (P<0,001); 1-синфли қўйлар авлодларида эса 54,9±2,89 фоизни ташкил этиши аниқланди. Ушбу гуруҳда ўртача мувозанатлашган ҳолатда калта гулли авлодлар салмоғининг (19,7±1,94%) элита синфли қўйлар авлодларида 2,1 барабар камайиши (9,0±2,59%) аниқланди.

Қовурғасимон қалам гулларнинг ярим доира қалам гулларга нисбатан узунроқ бўлиши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан кузатишган. Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Бунда энг юқори узун гуллилиқ элита синфли қўйлар авлодларида (81,1±5,37%, P<0,001) кузатилиши аниқланган.

Хулоса. “Муборак” завод типига мансуб қорақўл қўйлари гулларнинг узунлиги бўйича етарли даражадаги ирсий салоҳият билан характерланадики, бундан селекция жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Чехирнадзе Т.Б., Барковский В.М. “Значение соотношение типов завитков в селекции черных каракульских овец жакетного смушкового типа” сборник научных трудов ВНИИК “Вопросы технологии ведения каракулеводства” Ташкент, 1982

2. Дьячков И.Н., Шаптак С.Э., Чехирнадзе Т.Б. “Сохранность свойств волосного покрова и завитков у каракульских ягнят разных типов с возрастом”. “Каракулеводство” Тошкент 1981 г. (26-35 стр)

3. Газиёв А., Вохидов Г., Матякубов Р. Қизилқум шароитида қора рангли қорақўл қўйлар селекциясининг самарадорлигини аниқлаш. “Қорақўл ва чўл озуқа ишлаб чиқариш технологияси”. Самарқанд 1996й. (56-61 бетлар)

4. Юсупов С.Ю. ва бошқалар. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент 2015. 31 бет

5. Акмаматов Х.А., Беленко А.А. Создание и совершенствование стада каракульских овец мубарекского заводского типа, материалы международной научно-